



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳақида кўп эшитамиз, ўқиймиз. Айни вақтда янги самолётлар ёрдамида жажон андозалари даражасида меҳнат қилаётганларнинг гувоҳимиз. Бу ерда ҳар бир иш ўта масъулиятли. Шу боис биз кейинги вақтда турли тилларда мулоқот қила оладиган, юксак маданиятли борт кузатувчилар бўлими фаолияти ҳақида тўхталишга қарор қилдик.

Бу бўлим миллий авиакомпаниянинг дунё мамлакатларидаги юз-кузи дейиш мумкин. Чунки самолётлар хизматидан фойдаланувчи йўловчилар албатта шу мажмуа хизматчилари: стюардесса қизлар, учувчилар ва борт кузатувчиларнинг хизматидан баҳраманд бўлишади. Биз ана шу хизматда кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаятган Ферузахон Орипова билан суҳбатлашдик.

— 1991 йилда юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг чет давлатларга илк бор мустақил уча бошладик. Уша пайтларда «Қизлар, қаердансизлар?» деб сўрашса, биз: «Ўзбекистондан, Тошкентдан», деганимизда улар бу сўзни биринчи бор эшитаётгандек қараб туришарди. Ҳозир хурсанд бўламизки, Тошкент, Ўзбекистон деган сўзларни яхши англаб олишган. Чунки истиқлол туфайли жуда кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик бошланган.

— Ферузахон, ўз

ишингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ишим стюардессалик. Аммо у биздан жуда катта масъулият талаб этади. Шу соҳада ишлаш учун миллий кадрларни йиғиш бошлан-

латимиз мустақиллиги сабаб биз кўп хориж мамлакатларига учаямиз. Ҳар гал хориж аэропортига Ўзбекистондан келган самолётнинг қўниши ҳақида маълумотни эшитиб, манзилга эсон-омон етиб келганимиздан хурсанд бўламиз.

— Кўп йиллардан буён шу хизматда экансиз, ёдингизда қолган бирор кун ёки воқеа ҳақида айтиб беринг.

— Мен учун ҳар доим ҳайратли ва қувонарли воқеа Саудия Арабистони бўлиб қолган. Макка шаҳридаги Каъбани зиёрат қилиб қайтдик. Шу ерда юганимизда савдо қилиб юрган одамларнинг кўзига кўзингиз тушса, юганингиз жиз этади... Сиз унга қарайсиз, у сизга қарайди. Хуллас, бориб «Ассалому алайкум», дейишимиз биланоқ, шу шеваимиздан Ўзбекистондан эканлигимизни билишди. Қувончини тасаввур этиб бўлмайди. Биз ҳам уларни кўриб, яна бошқатдан кўришамиз. Пиёлада чой узатиб, қўйгани жой тополмаган вақтларни ҳали-ҳануз эслайман. Уларнинг қувончи бизникидан ҳам юксакроқ. Чунки улар қалбидан юрт соғинчи, Ватан туйғуси мавж уради. Мана шундай вақтда тезроқ юртимга учишга отланиб қоламиз. Ана шунда шу кунларга етишимизга албатта Ўзбекистоннинг мустақиллиги сабаб, дея фахрланиб қўяман.

— Сизларга аjoyиб ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Юртимиз ҳаво кемаларининг парвозлари доимо мусавфо осмонимизда бехатар бўлаверсин. Овозимизни баралла қилиб «Олтин қанот қушлар учсин» дегимиз келади.

— Самолётда 10 та йўловчи бўлса 10 хил характерли, 20 та бўлса 20 хил муомала билан келади. Шуларни очиб чехра билан кутиб олиб, очик чехра билан кузатиб қўйиш бизнинг асосий вазифамиз. Дав-

Ҳамшаҳарларимизни нон маҳсулотлари билан таъминлашда «Тах-тапулин» ҳиссасдорлик жамияти аъзоларининг ҳам муносиб улушлари бор.

Бу корхонада бугунги кунда 130 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг пешона териси билан бир кунда 4 тоннага яқин

Саноат
ДАСТУРХОНДАГИ
ИССИҚ НОН

олий навли нон, 14—15 тонна биринчи навли «Барақа нон» ишлаб чиқарилмоқда.

— Яқиндан бошлаб уч турдаги қандолат маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйдик, — дейди жамият бошқарувининг раиси Саъдулла Иноғомов. — Булар новот, конфет ва печенье маҳсулотларидир.

Корхонанинг асосий цехларидан бири ҳисобланмиш буханка нон тайёрлаш цехида уч сменали иш йўлга қўйилган. Унда меҳнат қилаётган Баҳодир Ҳасанов, Хусан Муслимов, Восит Обидов сингари нововойларнинг самарали меҳнатлари билан тошкентликлар дастурхонига кеча-кундуз иссиқ нон етказиб берилмоқда.

Қамбар ОТА,
болалар шoirи.

Мақсуд ОРИПОВ.

Никоҳ кишилиқ жамиятининг, оиланинг биринчи поғонасидир. Зотан, у икки инсонни буюк муҳаббатга етказувчи восита ҳамдир. Бугунги кунда Бахт уйлари деб юритилувчи никоҳни қайд қилиш даргоҳлари ёш келин-куёвларнинг ўз вақтида никоҳдан ўтишлари ни таъминлаш, никоҳ маросимларини бир умр эсда қоладиган тарзда ўтказиш борасида самарали фаолият юритмоқда.

Шаҳримизнинг туманлари ҳудудида жойлашган никоҳни қайд қилиш барча бўлимлари малакали хизмат кўрсатиш учун замонавий биноларга эгадир. Аввал хабар берганимиздек, яқинда шаҳримизда ана шундай Бахт уйлари яна биттага кўпайди. У Акмал Икромов туманида фаолият бошлади.

Оила йилида очилган ушбу муҳташам даргоҳнинг очилиш маросимида Бош вазир ўринбосари, республика Хотин қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Фулмова, Тошкент шаҳар ҳокимлигидан, Адлия бошқармасидан, А. Икромов тумани ҳокимлигидан вакиллар иштирок этишди.

— Акмал Икромов туманида никоҳни қайд қилиш биноси аҳоли учун бирмунча ноқулай жойда жойлашган эди. Шу боис ҳам бизлар шаҳар ҳокимлиги ва бошқа таъминотлар билан мас-



миз бўлди, деб ўйлайман. Албатта, янги бинонинг тантанали очилиш ма-

1998 — Ойла йил

ЯНГИ БАХТ КОШОНАСИ



коҳни қайд этиш биноси халқимизга хизмат кўрсата бошлади. Бу Ойла йилида юртдошларимизга яна бир чиройли тўхфа-

росимида «Саидасрорасал» хусусий фирмаси, унинг раҳбари Саидасрорхожи Саидмурторхожиев шаънига ҳам илиқ сўзлар айтилди. Чунки ушбу фирма мазкур бинонинг ташқи ва ички безакларини, ганч ўймакорлиги, наққошлик ишларини сифатли ва тароватли қилиб бажарган эди.

Бинобарин, ушбу хусусий фирма ҳақида тўхта-ладиган бўлсак, Саидасрорхожи аканинг ўғиллари, ака-укаларини ва шогирдларидан Р. Қодиров, М. Ибодов, Х. Азимов ва бошқаларни республика-

мизда кўпчилик танийди. Фирма шунингдек, шаҳримиздаги энг гузал, айна вақтда тарихий бинолардаги ганч ва наққошлик ишларини бажарган, яъни Олий Мажлис биноси, «Туркистон» саройи, Темурийлар тарихий давлат музейи ва шаҳар ҳокимлиги биноси шулар жумласидандир. Шунингдек, республикадаги кўпгина тарихий бинолар, Фарғона вилоят мусикали драма ва комедия театрини шарқона услубда безашда ҳам фирманинг хизматлари катта. Бинобарин, очилган Бахт уйидаги безак ишлари Акмал Икромов тумани аҳолиси учун фирма томонидан катта бир совға бўлди.

Бу кун барчанинг кўнглида яна бир эпкин воқеа сифатида қолади. Энг асосийси шу кун янги масканда илк оиланинг дастлабки никоҳни қайд этиш маросими бўлиб ўтди. Яъни келин-куёв Марҳаб ва Алишер Набиевларнинг ҳаётида ушбу кун узок вақт сақлангани бўлди...

Очил ҲАЗРАТОВ,
СУРАТЛАРДА: Акмал Икромов туманида иш-га тушган янги бахт ко-шонасида.

Рашид Галиев
олган суратлар.

Дастлаб республика «Кўмир» акционерлик бирлашмасига қарашли «Ўзбеккўмир» фирмаси директори Носир Умаров билан боғландик. «Бу йил киш мавсумида кўмир омборхоналарида маҳсулот етарли жамғариладими» деган саволимизга қуйидагича жавоб олдик:

— Бу йил бирлашма бўйича 3 миллион 130 минг тонна кўмир олишимиз керак. Бу кўрсаткичнинг энг катта қисми, яъни 2 миллион 200 минг тоннаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига, 396 минг 900 тонна кўмир эса бюджет ташкилотлари ҳисобига ўтказилади. Тошкент шаҳри аҳолиси талаби ҳам тўлиқ ҳисобга олинган. Белгиланган меъёрга кўра ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатадиган кўмир омборхоналарига йил бўйи 42 минг тонна маҳсулот келиб тушиши керак эди. Ҳозир бу кўрсаткичнинг 55 минг тоннага яқини реализация қилинди.

— 9 ой учун бу микдор камлик қилмасмикан?

— Бизда асосан кишки кўмир жамғариш мавсуми сентябрь, ноябрь, декабрь ойларига тўғри келади. Асосан харидорларимиз мана шу даврда бизга мурожаат қилишади. Шунинг ҳисобига оlib омборхоналаримизни маҳсулот билан етарли таъминлаш ва намунали савдо-сотикни йўлга қўйиш шу муддатга мўлжалланади. Бунинг исботи учун бир мисол келтирай. Масалан ҳозир бир кунда ўрта ҳисобда бирлашмамиз бўйича 107 вагон кўмир тарқатилмоқда. Бу 7 минг 334 тонна маҳсулот демекдир. Тошкент шаҳри учун эса ойлик тақсимот 60 вагон кўмирни ташкил этади.

— Ҳамшаҳарларимиз сентябрь ойида омборхоналарда кўмир маҳсулоти танқис бўлганлигини айтишяпти.

— Бунинг сабаби бор. Чунки етарли маблағимиз йўқлиги туфайли бироз узлишга йўл қўйилди. Бугунги кунда фақат шаҳар аҳолисини кўмир билан таъминлаш учун 5 миллион сўмга яқин пул ўтказилди. Дастлабки кўмир ортлан вагонлар омборхоналаримизга кириб кела бошлади.

«Тошкентшаҳаркўмирқурилиш-молларисавдо» жамоа корхонасида бўлиб унинг бошлиғи Баҳром

Миркаримов билан суҳбатлашдик. — Мавсумга ҳар йилгидек яхши тайёргарлик кўрганмиз, — дейди у. Янги маҳсулотни қабул қилишдан олдин омборхоналаримизни тўла тартибга келтирдик. Улар йил бўйи йиғилиб қолган кўмир қолдиқларидан тозаланди. Ортиш-тушириш механизмларини таъмирдан чиқардик. Хуллас киш мавсумига ҳамшаҳарларимизга намунали хизмат кўрсатиш учун барча анжомлар ишга шайланди.

— Таъминот масаласида муаммолар борми?

Қиш тайёргарлигини еқтиради
КЎМИР ЕТАРЛИ
БЎЛАДИ

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бизнинг жамоамиз ҳам бундан мустасно эмас. Лекин имкон қадар ишлаб, изланяпмиз. Илоҳи борица истеъмолчиларнинг талаб ва эhtiёжларини қондиришга ҳаракат қилаймиз.

— Олдинлари айниқса куз мавсумларида кўмир омборхоналари жуда гавжумлашиб кетарди. Маҳсулот ортиб-туши-раётган машиналарнинг сафи узилмасди. Ҳозир омборхоналарда етарли кўмир бўлсада харидорлар анча сийраклашиб қолганлигининг гувоҳи бўламиз. Бунинг сабаби нимада?

— Биринчидан, шаҳримизда «зангори олов» кириб бормаган хонадон деярли қолмади ҳисоб. Иккинчидан, кўмир ва унинг эгаларига етказиб берадиган транспорт нархининг қимматлашиб кетгани ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Ҳатто харидорларга қулай бўлсин деб улардан телефон орқали буюртма қабул қилишни ҳам йўлга қўйдик. Хуллас омборхонага келган миқдор ҳеч бир сансалорликсиз ўша куннинг ўзидек ўзига керакли маҳсулотни олиб кетиши мумкин...

Сўз билан иш билигини билиш мақсадида омборхоналарни айландик. Ҳозир шаҳримизда икки кўмир омборхонаси мавжуд бўлиб, улардан бири Рисовийда, иккинчиси Сергелида жойлашган.

Рисовийдаги омборхона хизматчилари эндигина келтирилган иккита вагондаги кўмирни тушириш билан овера экан. Уларнинг иш билан бандлигидан фойдаланиб, харидорларни суҳбатга тортдик. Зеро ҳар қандай хизмат учун асосий баҳони берадиган ҳам ана ўшалар.

— Хизматдан нолимаймиз, — дейди меҳнат кексаси Нуриддин Хўжаев. — Маҳсулот нархи бироз қиммат демасангиз таъминот деярли кўнгилдагидек. Тўғри, баъзи вақтларда харид қилинган кўмирларимиз орасида майдалари ҳам учраб туради. Лекин бунда ҳам омборхона хизматчиларини айблаб бўлмайди. Чунки Ангрен-разрезидан шундай маҳсулот юборилаётган бўлса уларда не илож. Энг муҳими шундай вақтларда ҳам юк ортувчилар инсоф билан ишлашади. Илоҳи борица харидорларни ранжитмасликка ҳаракат қилишади.

Сергелидаги омборхона мудири Сайфиддин Носировни ортиб-тушириш майдончасида учратдик.

— Иш бошида ўзинг турмасанг бўлмайди. Хизматчилар билиб-билмай шошилишда миқдорларни ранжитиб қўйишлари мумкин, — дейди у бизга.

Мудирнинг ишораси билан ортиш майдончасига машиналар навбатманавбат кириб қелишяпти. Улар бир зумда керакли микдордаги кўмирни ортиб торозихона томон йўл олишади. Ортиқча шовқин-сурон ҳам, ўзаро қелишмовчиликлар ҳам йўқ. Харидор иши тез битганидан хурсанд.

— Қандай муаммолар бор, — сўраймиз мудирдан.

— Омборхонамиз Сергели марказидан анча чеккада жойлашган. Бунинг устига транспорт масаласида ҳам харидорларимиз қийинчиликларга дуч келишади. Чунки бу яқин ўртага йўналишли автобуслар қатнамайди. Айниқса, қишлоқ-қировли кунларда бир неча километрлар пиёда йўл босиб бу ерга қелишнинг ўзи бўлмайди. Ушбу масала ижобий ҳал этилиб, яқин-атрофга қатновчи автобусларнинг йўли биз томон бироз узайтирилса яхши бўларди.

Бу хусусда бизга омборхонага келган кўпчилик миқозлар ҳам гапирди. Хулоса қилиб айтганда, бу йилги киш мавсумида ҳам кўмир етарли бўлади. Бунинг учун республика «Кўмир» акционерлик бирлашмаси ва «Тошкентшаҳаркўмирқурилишмолларисавдо» жамоа корхонаси томонидан барча зарурий чора-тадбирлар қўрилган. Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Қвоталанган иш ўринлари ҳақидаги тўлиқ маълумотни сўраб, тахририятга мурожаат қилган Сабоҳат Файзиёвага маслаҳатимиз шуки, ўзингиз истиқомат қилаётган туман меҳнат биржасига мурожаат этсангиз нур устига аъло нур бўлур эди. Лекин шундай бўлсада Яқкасарой тумани меҳнат биржаси бош мутахассиси Шоира Очилов ва сиз сўраган саволга қуйидагича жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни-нинг 21-модда 2-бандига биноан 1993 йилдан бошлаб ҳар йили корхона, ташкилот, муассса-

Сўраган
Эдингиз...
ҚВОТАЛАНГАН ИШ
ЎРИНЛАРИ НИМА?

саларда ишловчилар сони 100 дан ортқ бўлса, ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида 7 фойизли махсус иш жойлари ташкил этиб келинмоқда. 7 фойизли махсус ташкил этилган иш ўринларига туманимизда яшовчи ижтимоий муҳофазага муҳтож иш қидирувчилар ишга олинадилар. Буларни мактаб ёки билим юртини битирувчилар, кўп болали ва ёлғиз оналар, нафақа ёшига эъ қолган иш қидирувчилар, армиядан йигитлик бурчини ўтаб келганлар, ахлоқ тузатиш колониясидан муддатини ўтаб келганлар ташкил этадилар. Яқкасарой туманида ҳозирги кунга келиб 40та корхонада ҚВОТаланган иш ўринлари ташкил этилган. Меҳнат биржамиз ходимлари шу корхоналар ходимлар бўлиб бошлиқлари билан биргаликда ташкил этилган махсус иш ўринларига туманимизда яшовчи ижтимоий ҳимояланмаган аҳолини ишга жойлаштиришга кўмаклашадилар. Меҳнат биржасига мурожаат этган иш қидирувчиларга керакли маслаҳат ва ёрдамларини берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябрдаги 43-сонли, Ўзбекистон Республикасининг ноғиронлар реабилитацияси бўйича «1996 — 2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорини бажариш мақсадида 1-сонли махсус травматология тиббий меҳнат комиссияси, туман тиббий-меҳнат комиссияси билан шартнома тузилган.

Яқкасарой тумани ҳокимлигида ҳам ахлоқ тузатиш колониясида муддатини ўтаб келган фуқаролар билан ишловчи бўлиб мавжуд бўлиб, бу бўлимга меҳнат биржамиз томонидан ҳар ой учун махсус ташкил этилган бўш иш жойлари борлиги ҳақидаги маълумот бериб турилади.

Шунинг учун сиз ва сизга ўхшаб қвоталанган иш ахтариб юрганлар, албатта турар жойдаги меҳнат биржасига мурожаат этсалар, янада тўлиқ маълумотга ва яна бошқа фуқаролар учун ижтимоий ҳимоялар мавжудлигидан бохабар бўласизлар.

Гулзода МАМБЕТОВА
тайёрлади.

**Ватанга жамоли жаҳон орони —
Бергучи фарзандлар бешиги бу ер.
Шарққа маърифатнинг аниқ юзини
Бениқоб кўрсатган эшиги бу ер,
деб ёзган эди раҳматли академик шоири-
миз Фафур Фулом.**

Ҳақиқатан ҳам ҳур диёримиз тарихи, маданияти узоқ «Ҳаёт карвони» ила ипак йўлидан бошқа юртларга олимлари, усталари, созанда-ю шоирлари билан доврў таратаётган юрт фарзандларимиз.

Бу йил ҳаётимиз устунлари бўладиган, келажакимиз қувончлари — фарзандлар тарбияси биринчи оиладан бошланишини ҳис қилмоқ, қалбан фикрламоқ даври эканлигини таъкидламоқ деб биламиз.

Улуғ Навоийда бир ҳикмат бор: «Кишининг олдида қўл уриш уят бўлган ишларни, айтиш ножоиз бўлган гапларни, киши йўқ ерда ҳам қилмаса, демак ўша одам донодир». Бинобарин маданият дастлаб оилада яралади.

Мени бир ҳодиса ўйлантиради. Буни тузатиш, олдини олиш, чек қўйиш учун эса сиз, азиз инсонлар ёрдам беришингиз мумкин.

Мени маъзур тугтайсизлар: аёл зоти рисолада-

Мулоҳаза

ҲАЁТ КАРВОНИ

гидек майин, иболи, тавозели, сабр-бардошли бир зотдир. Аёлни табиат буюк қилиб яратди — биз Она деган бахтга мушарраф бўлдик. Фарзандлар тарбиясини — шу буюк номга лойиқ ишни кўнгилдагидек ижро этаясизми?

Аёл — тижоратчи, бозорчи, аёл кўчанинг ҳадисини олиб, мол-давлат кетидан, тирикчилик деган ҳаракат эвазига фарзанд тарбиясини, унинг Ватан олдидаги масъулиятини бутунлай унутиб қўймоқда. Айрим оналарнинг ўз фарзандларини назорат қилишга вақтлари йўқ, улар қандай ишлар билан шуғулланиб юришини билмайдилар. Чунки, тонгдан қоронгугача бозорларда, тижоратларда тирикчилик билан шуғулланадилар.

Ахир ҳадис илмларида ҳам соғ, қўл-оёқлари бутун инсонлар меҳнат қилсинлар, ҳунар ўргансинлар деб ёзилган-ку. Кўча-қўйда, маҳаллаларда юрадиган соғлом, ёшгина қиз-жувларлар, йигитлар бирор ҳунарни эгаллаб, озода либослар кийиб меҳнат қилсалар бўлмайди?

Ислом одоби покиза, ҳалол, ораста инсон, гўзал ҳулқи инсонгина Оллоҳ сўзларини қалбларига жо қилсинлар деб тарбия беради. 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилинишининг сабабларидан бири келажак фарзандларимиз камолидан, унинг одоби-ахлоқидан огоҳ бўлишдир. Ота-онанинг ҳурматини ўрнига қўйиш, ота сўзини амри вожиб деб ижро этиш, она ҳурмати-иззати қандай бажариларди — мана шулар ҳақида ўйлашдир.

Биз мураббийлар ҳар бир оиланинг берган тарбияси унинг жамиятдаги ўрни, ота-онанинг мавқеи ва фарзанд тарбияси ҳақида кўп шуғулланамиз. Маълумотлар, илмий кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, илмий, узоқни кўзлаган, ҳунарли юртдошларимиз фарзандларини янги-янги техника, ўқув жараёнларини эгаллашларида, «Хунар ҳунардан — унар» деган нақлга риоя этган ҳолда ҳунар эгаллашларида ёрдам бермоқдалар.

«Ойнаи жаҳон»да «Ҳаёт карвони» кўрсатувини тайёрлаш жараёнида биз кўнгилга илм даргоҳларида, илмий текшириш институтларида бўлиб турамиз. Бизнинг кўрсатувимиз қаҳрамонлари шу илмий текшириш институтларида шундай оламшумул янгиликлар яратаяптиларки, ривожланган Япония, Америка, Буюк Британия, Франция, Италия каби мамлакатларнинг олимлари, улар яратган ихтироларга тасанно айтмоқдалар. Шу нарсадан кўриниб турибдики, олимларнинг энг фидойилари элим-юртим деб меҳнат қилаёттирлар. Шунинг учун ҳам юртимиз равнақи зукко, меҳр-оқибатли, меҳнатсевар, илмий, одобли ёшлар қўлидадир. Ахир бизнинг авлодларимиз илм-ҳунар орқали бутун жаҳонга машҳур бўлганлар.

Болаларимизни диққат-этибор билан тарбия қилайлик. Фазилят, одоб ва гўзал ахлоқ ўргатиб, ҳуққларини гўзаллаштирсак, ҳар кун оила даврасида ўтириб, фарзандларимизга одобдан сабоқ бериб борсак, билмаган яхши ҳуққларни ўзлаштириб олишларида ёрдам берган бўламиз. Оила йилида ҳар бир хонадонга фақат чиройли, ибратли гаплар, чиройли ҳулқ, одоб ва бир-бирига ҳурмат бўлмоғи даркор.

Жамоат жойларида қўлогингизга ёмон сўзлашаётганларнинг гаплари кириб қолса, танбех беришга шошилиш. Чунки сиз шу жамиятнинг вакилисиз. Чиройли либос олиб бериш билан бирга чиройли ҳулқ, чиройли маданият ва тарбия беришга шошилайлик.

Азизахон ЗАЙНУТДИНОВА,
профессор.



Ҳайратга йўғрилган нигоҳлар.
Равиль Альбеков олган сурат.

Хабарингиз борми?

ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

**Тошкент шахрига қарашли бозорлар сони
яна биттага ортди. Юнусобод туманининг
Отчопар кўчасида «Шахристон» бозори фао-
лият кўрсата бошлади.**

Икки гектар майдонни эгаллаган ушбу савдо марказида сотувчи ва харидорлар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Бозор қошида 33 та омборхона, 45 та контейнер мавжуд бўлиб, улар сотувчиларнинг маҳсулотларини куну тун сақлаш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, бозор ҳудудидан 16 та хонадан иборат бўлган миллий ҳунарма-

ндчилик расталари ҳам ўрин олган.

Ҳозирда 300 ўринга эга бўлган бозорда сотувчилар учун яна 400 ўринли пештахталар тахт қилиб қўйилган.

Янги савдо маркази қурилиш, ҳўжалик, сантехника, бўёқ маҳсулотларини савдо-сотиқ қилишга ихтисослашган.

Маҳмуд ҚОБИЛОВ.

Ҳамкорлик

ИСТИҚБОЛЛИ ИЛМИЙ ДАСТУР

**Кейинги йилларда ўзбек
ва немис олимлари илмий
ҳамкорлигида кенг қамров-
ли тадқиқотлар олиб бо-
рилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг умумий ва ноорганик кимё институти олимлари ҳам Германиядаги йирик тадқиқот ўчоқлари билан алоқаларни йўлга қўйиб, кимё фани учун ўта долзарб бўлган қатор муаммоларни ижобий маънода ҳал этишга эришмоқдалар.

Шу ўринда Германиядаги Дортмунд университети билан биргаликда олиб борилаётган илмий изланишларни алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир.

— Бу олий ўқув юрти билан умумий ва ноорганик кимё институти уч йилга мўлжалланган дастур асосида иш кўрмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-ташқилий бошқармаси бошлиғи Аҳмадбек Юсупов. — «Цеолиларда ҳосил бўлган ион молекуляр мажмуаларнинг энергетикасини ўрганиш» деган йирик мавзу бўйича ижобий на-

тижаларга эришилди.

Цеолиларнинг сув, аммиак, спирт ва бензоллар билан ҳосил қилинган адсорбцион мажмуаларнинг термодинамик ва спектрлар хусусиятлари тўлиқ ўрганилди. Бу эса дастурда ўзифодасини топган қатор муаммолар ечимини топишда муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этди.

Институт олимларининг немис тадқиқотчилари билан 1998-2000 йилларга мўлжаллаб тузган режалари ҳам эътиборга сазовордир. «Цезий катионли М-5 цеолида ўзлаштирилган мажмуаларнинг ҳосил бўлиш хусусиятлари ва термодинамикасини ўрганиш» деган мавзудаги изланишлар йўлга қўйилди. Ўзаро илмий ҳамкорлик шартномасини амалга ошириш учун Германия томонидан ҳам, Ўзбекистон томонидан ҳам бир неча изланувчан тадқиқотчилар жалб этилди.

Ўзбек ва немис олимларининг биргаликда бажараётган илмий ишлари келгусида ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида халқаро аҳамият касб этади.

Акбар АЛИЕВ.

Чилонзор туманидаги Халқлар дўстлиги кўчасида эшикларга қараётганими кўрган аёл гап қотди:

— Кимнинг уйини қидиряпсиз, иним?

— Шу ерда Зумрад ая Тошпўлатова деган онахон бор эканлар, — дедим, — мумкин бўлса кўрсатиб юборсангиз.

— Излаган дарвозангиз олдида турибсиз, — жимгайди аёл, — қани, мен кириб кўрай-чи. Келаверинг, келаверинг. — Кейин ичкарига кириб товуси берди: — Зумрадбону, уйдаимиз? Сизни йўлаб келишибди.

Ичкаридан олтишлардан ошган, юз-кўзидан бир олам меҳр ёғилиб турган истараси иссиқ аёл чиқиб келди.

— Сизмисиз, Кимёхон, киравер-майсизми? Ўз уйингиз-ку, ахир...

— Мехмон келди, — менга ишора қилди Кимё опа.

Ораста, биронта ҳам ортиқча ҳашами йўқ, лекин ниятда тартибли, озода (аслида озодалик — гўзаллик дегани) мўъжаз ховлини қўриб, соҳиб хонадонлар диди баланд, нозик таъб эканликлари сизи олиш қийин эмасди.

— Келинг, айланай, хуш келибсиз, — Зумрад ая ичкарига таклиф этди, — ховлида турмайлик. — Бизни ичкари бошлай туриб, пастдаги уйга қараб, дедилар. — Мавлудахон, меҳмонни кутиб олинг.

Ораста хонани қўриб, соҳиб хонадонларнинг саранжом-саришталига ишонч ҳосил қилдим. Худди уйда фақатгина Зумрад аянинг ўзигина турадигандек покиза эди.

— Нечта фарзандингиз бор? — сўрадим фотихадан сўнг.

— Еттита, айланай, уч қиз, тўрт ўғлим бор. Оллоҳга беадад шукр, ҳаммаси уйли-жоили.

— Ўғилларингизнинг ҳаммаси шу ерда яшайдими?

— Йўқ, Ҳовли кичиклик қилиб қолди. Катта ўғилларим Зокирхон билан Ботирхонлар Ўзқордан уй-жой қилиб, чиқиб кетишган. Бу ерда Маъмурхон билан Муродхон туришди.

— Невадаларингиз ҳам бир ҳовли бўлса керак?

— Бир ҳовли бўлмаса ҳам бор, — ийманибгина деди Зумрад ая, — йиғирма саккизта. Тўртта невага қуёв, битта невага келиним бор, болам. Яқинда Оллоҳ эвара ҳам ато этди.

Ая хўрсиниб қўйди. Бу орада Мавлудахон дастурхон тузади. Бўрсилдоқ, иссиқ нонлар ушатилди. Чой ҳўплай туриб, ая яна хўрсиниб қўйди.

— Нега хўрсинасиз? — дедим аянинг кўнглига озор беришдан тортиниб, — ҳамма нарсангиз бадастур бўлса...

— Отаси раҳматли бу қуларни кўрмай кетдилар-да, — Зумрад ая хомуш тортиди, — ҳаммасини оёққа турғизиб, ўқитиб, тарбиялаб, бир кун ҳам роҳатини кўрмадилар. Эсимга тушганларида жуда ўқсиниб кетаман. — Ая жим қолди. Кейин оҳиста давом этдилар: — Олтимиш ёшга кирдим. Шундан 35 йил бирга яшадик, Тоир аканинг сиз билан. 1953 йилда турмуш қурганимиз. Тоир дўхтур деса ҳамма танирди. Ўн йил бўлди, қазо этганла-

рига. Ҳалол ишлаб, ҳалол яшаб ўтдилар. Болаларни ҳам шунга ўргатдилар. Болаларига ҳар доим: «Тўғри бўлинглар, ҳалолликда гап қўп», — деганлар деган эди. Тўрттала ўғлим ҳам отасининг изидан борапти. Тўғрисуз, ҳалол, меҳнаткаш... Каттаси Зокирхон Тошпўлатнинг физика-математика факультетини тугатган. Кичикинам Муродхон Политехника институтини тугатган. Ботирхон машина ҳайдовчи. Ҳаммаси уйли-жоили.

— Қайнота — қайнонангизни эс-лайсизми?

**«Аҳли оила — муқаддас
Ватан» танловига**

ЗУМРАД АЯНИНГ БАХТИ

Шу пайтгача жим ўтирган Кимё хола гапга аралашди.

— Билмаганда-чи, Зумрадхондан рози кетишган.

— Қайнонам то охириг кунгача мен билан бирга бўлдилар. Доим болаларингдан қайтсин, деб дуо қилардилар. Қайтаётгани шу бўлса керак-да, — жимгайди Зумрад ая.

— Ўзингиз-чи, ўзингиз келинларингизга қандай турасиз? — дедим қувлик қилган бўлиб.

— Вой болам-а, учта қиз чиқарганман-а, қайси тилим билан келинларимга бир нарсга дейман. Ахир қизларим ўрнига қизларим бўлса. Мана биттасини қўриб турибсиз-ку... Сайёрахон «Ойимни соғиндим» деб қудажонимни-кига кетишган.

Мавлудахон чой қўйиб узатар экан, оҳиста деди:

— Ойжоним бирам меҳрибонларки...

Ҳатто таърифлашга ҳам сўз тополмайман.

— Оила — жудаям муқаддас, айланай, — деди Зумрад ая оҳиста, — унинг оғири ҳам бор, енгил ҳам бор. Оғирини остидан, енгилни устидан қорангизгина ҳар томонлама тўқис оила соҳибаси бўласиз. Шукр, бирон нарсдан камчилигим йўқ. Ўша уруш йилларининг қийинчилигини ҳам кўрганман. Кўчада нон еб кетаётганларнинг нони-

ни қўлидан олиб қочишарди. Кўпга келган тўй эди-да. Урушдан кейин ҳам осон бўлмаган, айланай.

Тўртинчи келин бўлиб Самарқанд дарвозага тушганман. У ердан Қатор-толга, кейин бу ерга келдик. Уй-жой тикладик. Эру хотин бир-биримизга суяндик, мадад бўлдик. Падари буз-қуворим Мирза Комил ота, онаи-зорим Пўлатой аялардан нимаки ўрганган бўлсам яхшиликка бўлди.

— «Мевазор» маҳалласида ҳаммамиз ҳурмат қиламиз, — Кимё ая гапга тушди, — қўшиллар билан бирам аҳил Зумрадбону.

— Энди маҳалла ҳам катта оилада, — кулди Зумрад ая, — бир ота-бир она фарзандларидек бўлмасак, яхши-лигимизни бир-биримиздан дариғ тут-сак нима бўлади.

Чой устида гурунгимиз анча чўзилди. Аянинг ўғиллари Зокирхон, Мурод-хонлар кириб келишди. Уларнинг она-ларига бўлган меҳр-муҳаббатлари кўз-ларидан шундоққина сезилиб турарди.

— Айтганларингизни олиб келдик, — дейишди улар.

— Холаларимиз, тоғаларимизда янги келин, қуёвлар бор. Шуларни эрта-га уйга таклиф этганмиз. Ойжонимни зиёрат қилишга, табриклашга келиш-ди, — изоҳ берди Зокирхон, — ховли-мизга сизмай ҳам қоламиз ҳали.


Хайрлашиб қайтатуриб ховлидаги шигил мевалари қирмизи бўлиб товланиб турган хурмога қўзим тушди. Уни меваларининг биронтаси ҳам заха ема-ган, бирдек сара эди. Хурмога қараб, Зумрад аяни ўйладим. Онахон ҳам болаларини оқ ювиб, оқ тараб камолга етказди. Эл-юрт улардан миннатдор. Рости билан аяга ҳавас қилдим. Ҳар банданинг ҳам барча боласи камолга етиб, йўлини топсин, ота-онаси роҳ-атини кўрсин деб астойдил ният қил-дим.

Ая билан Кимё хола мени эшик та-гида кузатиб қолишди.

Темур УБАЙДУЛЛО.

СУРАТДА: Зумрад ая Тошпўлатова келини ва неваралари билан.

Танлов ҳомийси —



Боланинг тили ширин

ОҒЗИДА БОР, АМАЛДА-ЧИ?

Вали янги қўшнисининг ўғли Акбар билан та-нишиб олгач, унга мактабни қолди:

— Адам зўр боғбон. Боғимизда меваларнинг ҳамма тури бор. Олманинг ўзидан, эҳ-ҳе-е, не-ча хил.

— Ундай бўлса олманинг «розмарин» деган хилидан иккитагина олиб кел, — сўради Акбар.

— Худди шу хили йўғ-ов, — бўшашибгина де-ди Вали.

ҲАВАС

Олти ёшли Салим оппоқ пахтаи ёпиштириб, соқол, мўйлов қўярди.

— Бу нима майнавозчилик?! Худо ёш берса бир кун қарийсан-ку, шошилмасанг, — деди бу хилини қўриб буvasи.

— Тезроқ пенсияга чиқсам, сизга ўхшаб ёш-ларни дуо қилиб юргим келяпти, буважон.

ИСИБ КЕТАДИ

— Меҳрихон, келиннингизнинг гапи мунча со-вук, — жаҳл билан деди қўшни аёл.

— Шунинг билмайсизми, холажон. Ҳали оф-тоб чиқса-чи, кеннойимнинг гапи исиб кетади, — онасидан олдин жавоб берди Эргаш.

ҚАЧОН УЗУН БЎЛАДИ?

Опа-сингил қовун палакларининг ёнидан ўсиб чиққан печакларни юлшишарди. Сингилнинг дан-гасалиги тугди.

— Иш чала қолмасин. Қовун пишса деҳқон-дан сўрашга тилинг узун бўлади, — уни ишга ундади опаси.

Сингил қизиқиб, ғайрат отига минди. Қовун гарқ пишган маҳали. Сингил қўпинча ойнага қараркан тилини чиқариб зорланади. Ти-ли ўша-ўша.

— Опавой, қовун пишса тилинг узун бўлади, девдиз. Ҳечам ўсмади-ку. Тилим узун бўлма-саям деҳқон бободан қовун сўрасам майлими?

— Ҳалигача сўрамадингми?... — қулимсиради опаси.

ЯРМИНИ БЕРСАНГ

Нури ўртоғига мактабни қолди:

— Мен иккита иш қилаёяман. Анор донлари-ни биттадан санаяпман ва еяёяман.

— Бундан ҳам зўр йўли бор, — деди ўртоғи.

— Қанақа, менга ҳам ўргат, — сўради Нури.

— Анорингни бериб турсанг дарров қўрсата-ман. Бирданига ўнта-ўнтдан санаб озгизмга тез-тез ташлайвераман, — деди ўртоғи.

БАЖАРГАНИМ ЙЎҚ-ДЕ...

Рустам уйқудан уйғониб, кўзини уқаларкан дадасига:

— Тушимизда физикадан «икки» баҳо олибман, — деди хафалиғи ошиб.

— Яхши, болам. Ўннингда яна «беш» баҳо олар экансан. Эсингдами, бир сафар тушингда «икки» олувдинг, ўннингда «беш» олдинг, тўғ-рими? — Ўғлининг кўнглини кўтармоқчи бўлди дадаси.

— Тўғрику-у, бу сафар уйга берилган вази-фани бажарганим йўқ-де...

ДАДАМ БИЛМАСИН...

— Ойжон, бу конфет менга экан. Буниси сизга, олинг. Дадам бердилар, — деди Анвар.

— Кўнглим тусамаяпти, болам.

Бу жавобдан сўнг ўғил ялинди:

— Конфет емаслигингизни дадам билмасин. Хўпми?

— Билсалар нима бўпти?

— Билсалар-чи, кейинги сафар сиз учун кон-фет бермайдилар. Конфетим озаийб қолади.

АЖОЙИБ ЖАВОБ

— Боғбоннинг ўғлисан. Узумларнинг хилини ҳар ҳолда биласан. Тўғрими?

— Ўх-хў, билганда қандоқ!

— Билсанг, қара: хўш ишқомда икки хил узум осилиб турибди. Шулардан қайси бири «ху-сайни-ю», қайси бири «тоғ узуми»-и?

— «Хусайни»нинг ёнидаги «тоғ узум» бўлади ёки бўлмаса «тоғ узум» ёнидаги «хусайни» бў-лади.

МАЗА ЭДИ-ДА!

Боғчадан келган Умри ойисига:

— Опамадан ишдан бўшармишлар. Айтинг, бў-шамасинлар, — деди ялиниб.

— Опанг боғча опаликдан юқори лавозимга ўтапти. Хурсанд бўлсанг-чи, қизим.

— Майлику-я, — деди Умри, — опамлар боғ-чада чўнтагимга ҳар хил ширин нарсалар со-либ қўярдилар. Маза эди-да, менга.

БОШ ОМОН БЎЛСА...

— Эскироқ дўппинг бор эди. Кўчада ўйнаш-гайм янгисини кийибсан. Бошингдан олиб кўр: Доғ-дўғ. Аяб кийсанг-чи. Нарсанг қиммат бўл-са, — деди она ўғлига.

— Кеча акам бир оғайниларига «Бош омон бўлса дўппи топилаверади» дедилар. Хурсанд бўлиб кетди оғайинлари. Мен ҳам севиным. Бошимни эҳ

Маълумки, фавкуллода вазиятларда, фалокатлар натижа-сида шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни хавфли зоналардан олиб чиқиш, бундай вазиятларда ўзини тута билли кўникмаларига қорхоналар ва ташкилотлар ходимлари, аҳолини ўргатиш муҳим ва долзарб вазифалардандир. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига биноан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида шаҳар санитар дружиналарининг мусобақалари бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой Жамияти Миллий Кенгашининг Тошкент шаҳар ташкилоти, шаҳар Фавкуллода вазиятлар, Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари ташаббуси билан ўтказилган фавкуллода вазиятларда тезкорлик билан ёрдам кўрсатиш халқ хўжалиги объектларининг санитар дружиналарининг биринчи шаҳар мусобақаларида ҳар бир туманда ўтказилган саралаш мусобақаларининг ғолиблари бўлиш энг кучли жамоалар иштирок этишди. Ҳар бир жамоада 24 тадан иштирокчи бўлиб, улар махсус жиҳозларни текшириш ва улардан фойдалана билиш, газниқоб қийиш, фавкуллода вазиятлар (ер қимирлаш, ёнғинлар) нукталарида жабрланганларга биринчи тиббий

ёрдам кўрсатиш, шикастланганларни транспорт воситаларига жойлаштириш, юкмули касалликлар тарқалган жойда санитар дружиналарининг фаолияти, зарарсизлан-тирувчи воситаларни тайёрлаш, госпитал бўлимида санитар дружиналарининг жароҳатланган ва касалларни парвариш қилиш шартлари бўйича бешта босқичдан

ди Қизил Ярим Ой жамияти Сергели туман бўлимининг раиси Миржония Аҳмаджонбаева. — Қорхона ва ташкилотларда 40 соатлик дастур бўйича фавкуллода ҳолатларда аҳолига биринчи тиббий ёрдам бериш, боғловчи ашёлар билан ишлаш юзасидан ўқув машғулотларини ташкил этдик. Туман саралаш мусобақаларида эса ҳаво йўлла-

титутининг жамоаси аъзолари ўзларининг билим-донликларини, чаққонликларини ва омилкорликларини кўрсатишиб, қуриб турганингиздек ҳал қилувчи шаҳар мусобақасида иштирок этишмоқда. Бокдаги қайта тикланаётган иморатлар санитар дружиналарининг ўз маҳорати, билимларини кўрсатишларида айниқса қўл келди. Таж-

гарлик кўрганликлари, фавкуллода вазиятларда тезкорлик билан ёрдам кўрсатишдек муҳим соҳага етарлича эътибор билан ёндошилганлигини кўрсатди. Зеро, шаҳар мусобақаларига апрель ойидан бери тайёргарлик кўрилатган бўлса, август-сентябрь ойларида жойларда ўтказилган саралаш баҳсларида 40 га яқин йирик қорхона ва ташкилотлар қатнашганди. Иштирокчилар фавкуллода ҳолатларда ўзларини тута билишлари, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш асосларига тайёр эканликларини яна бир бор кўрсатдилар.

Хуллас, мусобақалар кечгача давом этди. Ғолибларни аниқлаш ҳам тажрибали ҳакамлар учун осон кечмади. Ниҳоят тулганган очколар ҳисоблаб чиқилган «Алгоритм» ҳиссадорлик жамияти ва алоқа-электр техника институти жамоалари биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўрин «Тошкент трактор заводи» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти ва «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамиятига насиб этди. Урта Осиё темир йўллари таъмирлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Тошкент тўқимачилик комбинати» ҳиссадорлик жамияти учинчи бўлишди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан ажратилган биллур кубоклар, эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Бундан ташқари мусобақа ғолиблари Чирчиқ шаҳрида ўтказилган республика мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.
СУРАТЛАРДА: санитар дружинчилари мусобақалар давомида ўз кўникма-маҳоратларини ана шундай намоён қилдилар.

Рашид Галиев
олган суратлар.

Фойдали мусобақага асос солинди



иборат баҳсларда ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

Биз мусобақалардан олдин айрим жамоаларнинг қандай тайёргарлик кўрганлиги билан қизиқдик.

— Мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрдик, — дей-

рига қарашли 243-таъмирлаш-механика заводи, «Метель» ҳиссадорлик жамияти, темир-бетон конструкциялари заводи, Тошкент аэропортининг санитар дружиналари ўзаро беллашди. Бунда бизга туман ҳудудий-тиббий бирлашмаси, туман фавкуллода ҳолатлар бўлими, 243-заводнинг фавкуллода ҳолатлар бўлими катта ёрдам берди. Бугун эса энг кучли жамоамиз мусобақаларда қатнашмоқда.

— Биз ҳам 5-шаҳар болалар клиник касалхонасида туман санитар дружиналарининг мусобақасини ўтказдик, — суҳбатга қўшилди Қизил Ярим Ой Жамияти Юнусобод тумани бўлимининг бошлиғи Ҳамрохон Отабоева. — Унда туманда жойлашган иккита олий ўқув юрти ва иккита ҳиссадорлик жамияти аъзолари ўз куч-маҳоратларини кўриқдан ўтказишди. Тошкент алоқа-электр техника инс-

рибали техник ходимлар иштирокида усталик билан уюштирилган «ёнғинлар» у даҳшатли «портлаш»лардан мақд йиғит-қизлар ўзларини йўқотиб қўймадилар.

Мусобақалар жойларда дружиналарнинг яхши тайёр-



Октябрь ойининг ўтган даври мобайнида шахримизда 122 та ёнғин содир бўлди. Давлатга 1 миллион сўмга яқин зарар келтирилди. Ёнғинлар оқибатида 2 киши ҳалок бўлди, 1 киши кўйди. Ёнғинларнинг қўпчилиги сигарета чекишда, электр анжомларидан фойдаланишда олдин ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, электр симларининг қисқа туташувлари, ёш болаларнинг олов ўйнашлари оқибатида содир бўлмоқда. Куйидаги мисоллар фикримизга далил бўлади.

● 2 октябрь куни Миробод туманида жойлашган 110-ўрта мактабнинг синф хонасида электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнғин содир бўлиб, 70 квадрат метр юзада синф жиҳозлари ёнган.

● 4 октябрь куни Юнусобод тумани, Маҳкам Алиев кўчаси, 15-ўйда шу хонадон фарзанди 4 ёшли Равшаннинг гугурт ўйнаши оқибатида ёнғин содир бўлиб, натижада 230 квадрат метр юзада шу уйнинг томи ва уй жиҳозлари ёнган.

● 5 октябрь куни Собир Раҳимов туманида жойлашган Тошкент Давлат университетининг электр-автоматика ва ҳисоблаш техникаси факультетида электр симларининг қисқа туташувлари оқибатида ёнғин содир бўлиб, ҳар хил ўқув жиҳозлари ёнган.

● 8 октябрь куни Мирзо Улуғбек тумани, Устабоев кўчаси, 243-ўйда уй эгасининг маст ҳолда сигарета чекиши оқибатида ёнғин содир бўлиб, натижада 30 квадрат метр юзада уйнинг томи, шифти ва уй жиҳозлари ёнган ва уй эгаси ён-

«О!»
ЭҚТИЁТСИЗЛИК
ОҚИБАТЛАРИ

ғиндан куйиб, ҳалок бўлган.

● 9 октябрь куни Миробод тумани, Файзобод кўчаси, 3-ўйда ҳам уй эгасининг маст ҳолда сигарета чекиши оқибатида ёнғин содир бўлиб, натижада 50 квадрат метр юзада уйнинг томи, шифти ва уй жиҳозлари ёнган ва уй эгаси тутундан захарланиб, ҳалок бўлган.

● 10 октябрь куни Акмал Икромов тумани, Уриқор даҳасида 1-такси саройига қарашли автобуснинг мотор қисмидаги электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнғин содир бўлган. Шу автобус ҳайдовчисининг танасининг тўрт фоизи 3 даражада куйиб қалсалхонага ётқирилди.

● 11 октябрь куни Собир Раҳимов туманида жойлашган 528-болалар боғчаси омиборхонасида ёш болаларни-

нг гугурт ўйнашлари оқибатида ёнғин содир бўлиб, натижада омиборхонадаги пештахталар 25 квадрат метр юзада ёнган.

● 13 октябрь куни Шайхонтохур туманида жойлашган 95-болалар боғчаси ошхонасида ёнғин қи-зиб кетиши оқибатида ёнғин содир бўлиб, натижада 25 квадрат метр юзада боғча ошхонасининг томи ёнган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган далиллардан кўриниб турибдики, ёнғинларнинг қўпчилиги шаҳар Халқ таълими бош бошқармасига қарашли жабҳаларда содир бўлмоқда. Шунинг учун Халқ таълими бош бошқармаси раҳбар ходимларидан илтимос қилиб сўрадик, ўз кўл остидаги жабҳаларнинг ёнғинга қарши ҳолатларига алоҳида эътибор берсалар.

Ҳозир ўлкамизда куз фасли ҳукм сурмоқда, дарахт барглари сарғайиб тўкилмоқда. Биз Сизлардан хазонларни ёқмасликни сўрадик, чунки ёнаётган хазонлар нафақат ёнғин қиқиш хавфини тудиради балки ундан чиқаётган захарли моддалар шахримиз экологиясига салбий таъсир кўрсатади. Мана ҳозир салқин тушиб қолди. Ҳадемай иситиш анжомларини ишлатадиган кунлар ҳам келиб қолади. Шунинг учун вақтни бой бермай газ печларини, иситиш қозонларни мўриларини техник кўриқдан ўтказиб қўйинг.

Тулаган АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходими.

ВЕЛОСИПЕД ЁРДАМ БЕРДИ

Американинг Пенсильвания штатида истиқомат қилувчи жаноб Рандел ўз буйрагини оғир хаста бўлган қизига қўчириб ўтказишни ҳарчанд илтимос қилмасин врачлар бунга мутлақо рози бўлмадилар.

Сабаби унинг вазни 134 килограмм эди. Бундай вазнда эса аъзоларни қўчириб ўтказиш мутлақо таъқиқланган. Шунда Рандел семизлигини қўй қутаради, деб ўзининг ортиқча вазнини қамайтиришга аҳд қилди. У ҳар куни велосипедда сайр этар, ҳовузда сузишни сира қанда қилмасди. Ёғисиз товуқ гўшти ва сабзавотлардан

бошқа маҳсулотларни истеъмол қилмай қўйди. Орадан ярим йил ўтгач шифокорлар операцияга рози бўлишди, чунки ғамхўр ота роппа-роса 40 килога озганди.

Турфа олам

НЕМИСЛАР АСАБИЙМИ?

Немисларнинг асаби ўта тарақлиги кўпчиликни ажаблантириши табиий. Ҳўш, бунга сабаб нима? Ўтказилган сўров натижаларига кўра, аксарият немислар кўчаларда ва дам олиш жойларидаги чи-

қиндилардан асабийлашадилар. (65 фоиз эркаклар ва 75 фоиз аёллар). Кейин эса савдо ходимларининг зарур даражада хушмуомала эмаслиги, автомобилларнинг йўлларда ҳаддан зиёд тўпланиб қолиши, супермаркет кассаларидаги навбатлар, йўлларда турли реклама тасвирларининг ҳаддан зиёд кўпчилиги ҳам немисларнинг ғашига тегар экан. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам булар асаб бузилишига арзийдиган «муаммолар»дир.

Хориж матбуоти асосида
Назokat УСМОНОВА
тайёрлади.

Бош муҳаррир уринбосари Солиҳ ЁКУБОВ

Сентябрь ойининг сўнгги кунлари ва октябрь ойининг дастлабки икки ҳафтаси жаҳон шахмат аҳлининг диққат-эътиборини нисбатан чоғроқкина Элиста шаҳрига тортганлиги йирик ахборот агентликлар тарқатган хабарларда яққол аксини топди. Эндиларда уни шахматчилар шаҳарчаси деб ҳам аташяпти.

Кейинги бир неча йил давомида бу орада салмоқли ташкилоти ишлар амалга оширилиб, шахмат тарихида илк бор ана шундай ноёб маскан — юзга яқин махсус коттежлар, мусобақа заллари, электрон шахмат соатлари билан жиҳозланган бинолар қад кўтарди. Буларнинг ҳаммаси навбатдаги 33-Жаҳон шахмат олимпиадасини ўтказиш ва кейинчалик машҳур гроссмейстерлар истиқомат қиладиган жойга айлантириш мақсадида бунёд этилди. Бу иш учма-мунча маблаг ва куч талаб қилмаслиги ва ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмаслиги аён, албатта. Қирсан Илюмжиновнинг ишчи очилиш маросимидан тортиб то ёпилиш тантаналарига қадар унинг ташкилотчилари шаҳнига нуқул ҳурмат бажо келтирилганлиги бежиз эмас. Бу маълумотларини бир республика шахмат федерациясининг бош котиби-шоғирдим Ирина Каюмованинг қисқача ҳисоботи асосида келтирдим.

Олимпиаданинг эркаклар туринида 110 терма жамоа қатнашган бўлса, аёллар мусобақасида 72 терма жамоада ўзаро баҳсга киришди. Мусобақалар швейцария усулида ўтказилганлиги сабабли деярли ҳар бир турдан сўнг командалар сараланиб, гуруҳларга ажрала бошладилар, яъни кучи нисбатан тенг жамоалар беллашувида омад синала бошладилар.

Биринчи турда иккала жамоамиз ҳам юз фоиз очко жамғариб, пешқадамлар гуруҳига ўтиб олди.

Мусобақа ўрталарига келиб улар биринчи ўнликдан жой олиб турардилар. Бироқ, кейинги айрим баҳсларда иш чаппасига кетиш ҳоллари юз беришди, икки-уч очконинг ноўрин қўлдан чиқиши вакилларимизни анча орқага суриб юборди...

Шу пайт яқиний натижалар акс этган ҳақдалга тикилиб ўтирар эканман, кўзим Хитой Халқ республикаси терма жамоалари эришган натижаларга тушиб қолди: эркаклар командаси бешинчи, аёллар эса биринчи(!) ўринни эгаллабди. Ҳа, кўп соҳада илдам қадам ташлаётган бу улкан мамлакат шахматчилари ҳам бунга ўз улушларини қўшиб-

Шахмат ОЛИМПИАДА САБОҚЛАРИ

дилар. Шу пайт бундан қирқ йил олдинги воқеалар ёдимга тушиб кетди. Эллигинчи йилларда бу ерда шахматнинг хитойча тури — Сянцзи уналар, халқаро шахмат қоидалари энди энди қуртак ёза бошлаган эди.

1958 йилнинг қиш ойларида москвалик спорт устаси Борис Баранов, Ўзбекистондан эса Александр Грушевский ва мен расмий тахлифга кура Хитойда ўз ҳафтача бўлиб, Пекин, Шанхай, Кантон, Хух-Хота шаҳарларида бир қанча кўргазмалар ўтказиб, энг қўбилиятли ёшларга назарий ва амалий машғулотлар билан қўмақлашган эдик. Ҳандаги фотосуратларни ҳозиргача сақлаб қоламман. Мана энди шоғирдларимнинг шоғирдлари — ёш хитойлик шахматчилар-гроссмейстеру мастерлар шундай юксак даражага кўтарилиб туришди! Бундан қувонай бўладими, ахир!

Энди ҳақдаланинг ўзимизникилар жойлашган сафига разм солайлик. Эркаклар терма жамоамиз Катар, Туркия, Португалия, Словения терма командаларини ишонарли ҳисобда енгиб Франция, Украина, Швеция ва Литва шахматчилари имоциятини бой беришган. Беш учрашувда, шу жумладан якуний натижаларга кўра биринчи кўчи бешликдан жой олган Исроил ҳамда Грузия терма жамоалари билан дуранга эришганлигини кўрамиз. Шунга қува-

ти етган шахматчиларимиздан анча юқори натижа кутса бўларди. Бироқ улар мусобақанинг иккинчи ярмида мўлжалланган марраларга етиб бормай тобора пасайиб борганликларининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Командамиз аъзолари — халқаро гроссмейстерлар Рустам Қосимжонов, Сергей Загребельний, Сайдали Йўлдошев, Михаил Салтаев ва халқаро мастерлар Шухрат Сафин, Владимир Ёгинларнинг амалий тайёргарлик даражаси чакана эмас эди. Аммо жамоний жиҳатдан етарли шайлик касб этмаганликлари сезилиб қолди. Шахмат кураши эса бусиз меъёрига етиши қийин. Бундай йирик беллашувлар олдиндан улар асабларига муайян даражада дам беришлари, бир муддат шахмат тахтасидан четроқда бўлишлари лозим эди.

Шундай қилиб икки ҳафта давом этган қизгин курашлар оқибатида россияликлар 35,5 очко билан биринчи, америкаликлар 34,5 очко билан иккинчи бўлишди. Украина-3, Исроил-4, Грузия-5...

Вакилларимиз 28,5 очко жамғарган ҳолда 27-ўрин билан қийоғландилар. Бинобарин, улар 83 терма командадан ўзиб кетишди. Мавжуд имкониятлар эса 10-15-ўринлардан далолат бериб турарди. Битта, хаттоки ярим очконинг қадри шунчалик баяндалди.

Сардоримиз Рустам Қосимжонов 11 имкониятдан 6,5 очко жамғарганлиги мақтовга сазовордир. Илло, нукул зурларга рўбарў бўлиш осон иш эмас. 10 имкониятдан 5,5 очко олган Сайдали Йўлдошев ҳам аjoyиб ўйин намуналарини намойиш этди. Хуллас, эллик фойдан кам натижа қайд этилмади. Аёлларимиз 25-ўринни эгаллаб, 47 мамлакат вакилларидан ўзиб кетишди. Рена Мамедовага гроссмейстерлик учун атиги ярим очко етмади. Ўша кунлари ФИДЕнинг навбатдаги конгресси бўлиб ўтди. Унда келгуси икки йилги тадбирлар режаси тасдиқланиб, ФИДЕ фаолиятига қонқарли баҳо берилди. Қирсан Илюмжинов қайта ФИДЕ президенти, А.Ф. Рузметов эса ФИДЕ Марказий Осиё минтақаси президентиликка сайланди.

Вакилларимиздан самарқандлик Марат Жумаев билан Иброҳим Ҳамроқов ва тошкентлик Рена Мамедова халқаро мастер, Антон Филиппов эса ФИДЕ мастери, Роман Ким халқаро ҳакам даражасига кўтарилдилар. 34-олимпиада 2000 йилда Туркияда ўтадиган бўлди.

Мамажон МУХИДИНОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАШКИЛОТ ВА ҚОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳудудининг санитар тозалаш бошқармаси шуни маълум қиладики, 1998 йил 1 ноябрдан эътиборан ташкилот ва қорхоналардан маийш чикиндиларни йиғиш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун янги нархлар киритилди. Ташкилот ва қорхоналар раҳбарлари мулкчилик ва молиялаштириш келиб чиқишидан қатъи назар, туманлар ҳудудини санитар тозалаш ягона буюртмачи дирекциялари билан шартномаларини қайта тузиши шарт.

Маълумотлар учун телефон ва дирекциялар манзиллари:

1. А. Икромов тумани
2. Бектемир тумани
3. М. Улуғбек тумани
4. Миробод тумани
5. С. Раҳимов тумани
6. Сирғали тумани
7. Ҳамза тумани
8. Чилонзор тумани

9. Шайхонтохур тумани
10. Юнусобод тумани
11. Яққасарой тумани

- тел. 47-97-53
тел. 195-04-09
тел. 68-72-44
тел. 54-38-39
тел. 48-51-48
тел. 57-81-07
тел. 90-90-95

- тел. 76-36-20
тел. 49-02-28
тел. 34-07-92
тел. 53-28-72

«ТОШМАРҒЕ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

акционерлигини Умумий мажлиси ўтказишнинг маълум қилади

КҮН ТАРБИ:

1. Жамиятининг таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларини Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли Қарори билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлаштириш
2. Ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларига асосан бошқарув самарадорлигини, Дирекция ва Кузатув кенгаши фаолиятини жамият ташкил этилган кундан шу вақтгача бўлган даврга баҳолаш.
3. Бош директори ёллар тўғрисидаги меҳнат шартномасини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш.
4. Кузатув кенгашига қўшимча аъзоларни сайлаш.

5. Бошқа масалалар.
- Мажлис 1998 йил 5 ноябрда соат 10.00 да қуйидаги манзилда ўтказилди: Тошкент шаҳар, Жарқўрган кўчаси, 47.
- Мажлис қатнашчилари 5 ноябрда кун соат 8.00 дан 9.30 гача рўйхатга олинди.

Маълумотлар учун телефонлар:
96-48-42, 96-57-02.

«ТОШМАРҒЕ» акционерлик жамияти

Кузатув кенгаши.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўлиши эълонларини, шунингдек таъминларини, таваллууд кунлари, тўйлар, юбилейлар, муносибати билан қутловларни, нақоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида бритади. Эълонлар шавба ва ашанбадан тошқери ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-29-95.

Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ,
32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Собир Раҳимов тумани «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси оқсоқоли Сайднабиҳожид Сайдқаримовга умр йўлдоши

МАШКУРАХОН аянинг вафоти муносабати билан қўқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Акмал Икромов тумани кенгаши туман кенгашининг биринчи котиби Махмуд Собирович Ёкубовга укаси МАНСУРЖОННИНГ бевақт вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади ҳамда марҳумнинг оила аъзоларига сабр-қаноат тилайди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар 133-28-95,
132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, торшанба
ва жұма
күнлари тижари.
Нашр қарамаси
209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.